

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТДА ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РОЛИ

Зокирова Шахзода Нодиржон қизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Бошланғич таълимда инглиз тили кафедраси

Ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13767956>

Маданиятлараро мулоқот турли маданият вакиллари ўртасидаги мулоқотни англатиши билан бирга бу одамлар ўртасидаги бевосита ҳамда билвосита алоқа шакллари ҳам назарда тулади.

Оммавий-ахборот воситалари турли маданиятлар ҳақидаги глобал тасаввурларни шакллантиришда, маданиятлараро мулоқотда тўғридан-тўғри таржима қилинмаслиги мумкин бўлган контекслар, иборалар ва бирликларни тушунишда ҳамда уларни англашда, жамоатчилик фикрини ва жамиятнинг турли маданиятларга бўлган муносабатига таъсир қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзаро маданиятлараро алоқа алмашинувида сезиларли таъсир кўрсатувчи ОАВ воситаларидан бири бу – телевидениедир.

Ўзбек олимаси Д.М.Тешабаеванинг илмий қарашларида телевидение – оммавий ахборот ва тарғиботнинг ғоят таъсирчан, кучли воситаси эканлиги эътироф этилган. Унинг фикрига кўра, телевидение – оммавий коммуникациянинг аудиовизуал воситаси сифатида юзага келади, у янграётган нутқ ва кўз ўнгимизда намоён бўлаётган образни бирлаштиради ¹.

Ўзбек олимларидан Э.Э.Зарипов бугунги жадал ривожланаётган замонда, телевидение барчамизнинг бир вақтлар орзуларимизда яшаган “ойнаи жаҳон” бугунги кунда бутун дунё одамларини юзма-юз учраштирадиган, халқаро воқеаларни, мамлакатимиздаги юз бераётган бир-биридан ажойиб ўзгаришларни кўз ўнгимизда жонлантирадиган, кишиларга маънавий эстетик завқ ва шавқ берадиган муҳим восита, ҳаётимизнинг, ишимизнинг, ютуқларимиз ва камчиликларимизнинг кўзгусига айланиб бораётганлигини таъкидлайди. Унинг фикрларига кўра, телевидениенинг ўзига хос хусусияти ҳам шундаки, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар ҳақида ахборот берибгина қолмай, балки томошабинларни воқеанинг гувоҳи, иштирокчисига айлантиради. Дарҳақиқат, ушбу ойнаи жаҳон бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеалар-у ахборотларни бутун халққа етказиб беришда бевосита хизмат вазифасини бажариб келмоқда ².

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш жоизки, телевидениенинг жадал ривожланиши инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти эволюциясининг бутун йўналиши билан боғлиқдир. Томошабинлар психикасига таъсир қилиш жараёнида телевидениенинг аудиовизуал тили катта рол ўйнайди, бу эса, бизга ҳар қандай хабарларни, жумладан, инсоннинг фикрлари, ҳис-туйғулари ва таассуротлари дунёсини яхлит очиб бериш шартларига қулай имкониятларни яратган ҳолда ахборот

¹ Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи. Фил.фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 2012

² Зарипов Э.Э. Ўзбекистондаги ёшларнинг бугунги кундаги тафаккурининг ривожланишига телерадиоканаллардаги кўрсатув ва эшиттиришларнинг таъсири // Academic research in educational sciences. 2021. №CSPI conference 1.

ва журналистик, ҳужжатли, бадиий, оммабон, илмий, маърифий янгиликларни узатишга имкон беради.

Маълумки, экран тилининг муҳим элементларидан бири, яъни, товушли сўз орқали телевидение ҳар куни кенг аудиториянинг ахборотга бўлган кўп қиррали эҳтиёжлари, сўровлари ва қизиқишларини қондиришнинг муҳим муаммоларини ҳал қилади. Журналистнинг томошабинга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши телевидениеда сўзлашув услубини белгилайди ³.

Шу нуқтаъи назардан рус олими В.Петренконинг “Агар ахборот сизни қизиқтирса ёки у одамлар хатти-ҳаракатига таъсир кўрсата олади, деб ҳисоблансагина ахборот етказиш содир бўлади” ⁴ деган фикрлари ўринлидир.

Ахборот етказиш жараёнида телевизион нутқ кўпинча бир нечта тилларни, субтитрларни ва таржима хизматларини ўз ичига олади, бу эса, берилаётган контекстни кенгроқ аудитория учун етказилишини таъминлайди. Ушбу лингвистик хилма-хиллик самарали маданиятлараро мулоқот учун жуда муҳимдир, чунки у келиб чиқиши турли хил бўлган шахсларга материални тушуниш ва улар билан ишлашга етарлича имкон беради.

Тележурналистика мутахассислари замонавий телевидение журналистик фаолият иерархиясида энг сезиларли ва энг масъулиятли касб сифатида бошловчи касбини биринчи ўринга қўйишмоқда. Аудитория томонидан маълумотнинг қабул қилиниши бошловчининг ташқи кўриниши, унинг янгиликлар билдириш услуби ва шунинг каби субъектив омилларга боғлиқ бўлади ⁵. Маданиятлараро алоқа алмашинувида энг нозик нуқта ҳисобланган маданий сезгирлик тушунчаси сўзловчи этикетига хос муҳим хусусиятлардан бири саналади.

Томошабин билан алоқа жараёнида маданий сезгирликнинг бузилишини ҳозирги кунда кўплаб гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, маданиятлараро конфликтнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Мисол тариқасида, журналист Африкадаги бир мамлакат ҳақидаги янгиликлар ҳақида гапира туриб, барча фуқароларни қашшоқ ва очарчилик билан курашаётган, турли хил иқтисодий қийинчиликларга дуч келган ва маданий ютуқларни еътиборсиз қолдирган ҳолда тасвирлайди. Аслида эса, Африка қитъасининг 54 мамлакатидан 18 таси ривожланаётган давлатлар сирасига киради.

Жумладан, қитъанинг шимолида жойлашган Миср, Жазоир, Тунис, Жазоир, Марокаш; қитъанинг жанубий қисмидаги ЖАР ҳамда Ботсвана давлатлари ривожланган ёки ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаган. Юқоридаги журналист фикри эса, зарарли бўлган стереотипларни кучайишига, халқларнинг индивидуал тажрибаларини эътиборсиз қолдирилишига ҳамда хурофотнинг тарғиб қилинишига олиб келади.

³ Гегелова Н.С. Телевизионная речь как явление культуры. Серия: Литературоведение, журналистика. Вестник РУДН. 2009. №2.

⁴ Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи. Фил.фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 2012

⁵ Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Оммавий-ахборот воситалари тили. Ўқув-қўлланма//; – Т .: Ўзкитобсавдонашриёт, 2019. – 172б. – Б.109.

Маданий ўзига хослик талабининг бузилишини эса биз ушбу мисолда кўришимиз мумкин: мода оламида “боҳо” кийиниш услуги кенг тарқалган бўлиб, у асосан маҳаллий халқнинг, маҳаллий аҳолининг маданиятларидан кучли таъсирланиш орқали танланган кийим-кечаклар ва аксессуарлардан фойдаланиш тушунилади, аммо бу услуб ҳақида журналист нутқида гап борганда услубнинг аслида келиб чиқиши тан олинмасдан ёки эътироф этилмасдан талқин қилинади. Бу эса, маданий анъаналардан фойдаланилиши ўлароқ уни аҳамиятсиз қилади ҳамда ҳурматсизликни оширади.

Бирор миллатнинг маданий тажрибаларининг бошловчи нутқида бузиб талқин қилиниши ҳолатлари ҳам учраб туради. Диний байрам ҳақидаги ҳужжатли филмларда баъзи маъросимлар бошловчи томонидан чуқур ўрганилмаган контекст ёхуд тушунишдан йироқ бўлган ҳолатда “ғалати” ёки “ибтидоий” дея тасвирланиш ҳолатлари учраб туради. Бу эса, ўз-ўзидан ўзга миллат вакиллариининг маданий эътиқодларига ҳурматсизлик ҳамда жаҳолатнинг кучайишига олиб келади.

Айрим соҳа мутахассисларининг фикрларига қараганда юқоридаги дефектлар телевидение, умуман олганда, медиа оламида маданий келиб чиқиши турлича бўлган ёки бўлмаса, маданий саводхонлик даражаси етарли бўлган журналистлар, кадрлар етишмочилигини асосий ваъж дея таъкидлашмоқда.

Узоқ масофадаги инсонлар билан аввалгиданда яқинроқ боғланганимиз ҳамда уларнинг турли маданиятлари билан танишиш имконига ега бўлганимиз – бу ҳозирги кундаги глобал медианинг, жумладан, телевидениенинг кенг тараққий этганидан далолатдир. Агар биз маданиятнинг алоқа қилиш жараёнига қанчалик таъсирли эканини тадқиқ қилишга киришсак, биз иккала соҳада ҳам тўлиқроқ маълумотларни қўлга киритамиз. Маданиятлараро мулоқот бизнинг шахс сифатида ҳамда жамиятнинг бир бўлаги ўлароқ ким эканлигимиз ҳақида билимларимизни кенгайтиришга ёрдам беради. Аммо, бу билимларни оммага тўғри ва изчил етказиш ҳамда маълумот қабул қилиш ва уни англаб етишда сўзловчининг нутқ этикети ишончли ва равон бўлиши аҳамиятга моликдир.

References:

1. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи. Фил.фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 2012
2. Зарипов Э.Э. Ўзбекистондаги ёшларнинг бугунги кундаги тафаккурининг ривожланишига телерадиоканаллардаги кўрсатув ва эшиттиришларнинг таъсири. Academic research in educational sciences. 2021. №CSPI conference 1.
3. Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Оммавий-ахборот воситалари тили. Ўқув-қўлланма // – Т.: Ўзкитобсавдонашриёт, 2019. – 172б
4. Гегелова Н. С. Телевизионная речь как явление культуры. Серия: Литературоведение, журналистика. Вестник РУДН. 2009. №2.